

Самарқандда Қуръон оятлари туширилган қабртош топилди



12:30 / 04.11.2021 3336

2021 йил 2 ноябр куни ижтимоий тармоқларда «Бугун Самарқанд аэропорти томонларда «снос»га тушган ҳудудда олиб борилаётган қазилар ишлари жараёнида тупроқ остидан қадимий қабр тошлари топилгани айтилмоқда» – дея хабар тарқалган эди.

Ушбу ҳолатни ўрганиш мақсадида Самарқанд вилояти маданий мерос бошқармаси мутахассислари вазиятни яқиндан ўрганиб, дастлабки хулосаларни элон қилди.

Самарқанд халқаро аэропорти МЧЖ ходимлари маълумоти асосида аэропорт ҳудудини реконструкция қилиш жараёнида олдинги дала ҳовлилар ўрнида аниқланган қабр тошлар Самарқанд археология

институти ва СамДУ Тарих факультети ходимлари томонидан бориб ўрганилди. Ўрганиш жараёнида ўлчами 154x50x34 см.ли сандиқ шаклидаги қабртош оқ мрамрдан ишлангани ва тошнинг усти ва ён томонларида «Бақара» сурасининг 254, 256-оятлари туширилгани маълум бўлди. Қабртошнинг айрим қисмлари яхши сақламаганлиги туфайли шахснинг дафн этилган вақти ва тўлиқ исм-шарифи ҳақида маълумот олиш жараёнини мураккаблаштиради. Дастлабки кўздан кечириш натижасида унда «Оқила биби» деган ёзув ёзилганлиги аниқланди.

Иккинчи қабртош ҳам сандиқ шаклида бўлиб, қора мрамр тошдан ишланган, унда ҳижрий 1049 (1659) -йил санаси битилган, ўлчами 116x37x25 см. Қабртош соҳибининг исми ёзилган томонига шикаст етганлиги сабаб ҳозирча бу борада аниқ маълумот йўқ.

Қабртошлар Самарқанд халқаро аэропорти МЧЖ томонидан Самарқанд ўлкашунослик музейига олиб келинди ва тадқиқот ишлари давом этмоқда.